

МЧЖ «COSCOM» уяли радиотелефон алоқа хизматларини PREPAID тармоғида тақдим этиш учун оммавий оферта

Ўзбекистон Республикасининг Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш Вазирлиги томонидан берилган АА 0006634 17.12.2018й. дан, АА 0006635 17.12.2018й. дан, АА 0006636 17.12.2018й. дан, АА 0006637 17.12.2018й. дан, АА 0006638 17.12.2018й. дан берилган Лицензияларга мувофиқ, уяли радиотелефон алоқа хизматларини кўрсатаётган, кейинчалик “Компания” деб аталувчи, масъулияти чекланган жамият “COSCOM”, “Ucell” савдо белгиси (қисқартирилган номи МЧЖ “COSCOM”) ушбу МЧЖ «COSCOM» тармоғида PREPAID уяли радиотелефон алоқа тизимидаги хизматларини тақдим этиш учун Оммавий Оферта орқали (кейинчалик матнда – “Оммавий Оферта”), куйида кўрсатилган шартларни ва қоидаларни қабул қилиш ва уларни бажариш ҳамда Рўйхатга олиш бланкини (шаклини) имзолаш (кейинчалик “Шартнома” деб аталадиган) йўли билан, ушбу Оммавий Оферта шартларини маъқулловчи жисмоний шахсларга уяли радиотелефон алоқа хизматларини тақдим этади.

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.

1.1. Ушбу Шартнома максадларини ифодалашди куйидаги атама ва тарифлар кўлланилади:

Абонент – уяли радиотелефон алоқа хизматларидан фойдаланиш ва абонентлик рақамини олиш мақсадида Компания билан уяли радиотелефон алоқа хизматини кўрсатиш шартномасини тузган 16 ёшга тўлган, муомала лаёқатига эга бўлган ҳар қандай жисмоний шахс;

Абонентлик рақами – Компания томонидан, Шартноманинг амал қилиш муддати асосида Абонент фойдаланадиган ва Компания тармоғига уланган Абонентлик мосламаси ва унга бошқа абонентлик мосламалари уланган пайтда идентификациялаштирувчи рақам;

Абонентлик мосламаси – Компания Тармоғига уланадиган ва Абонент томонидан белгиланган маълумотни ўтказиш ёки қабул қилиш учун электр алоқа сигналларини шакллантирувчи, индивидуал фойдаланиш учун алоқа воситаси. Абонентлик мосламаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги стандартларга мувофиқ тарзда, ушбу ускуна турига нисбатан талаб қилинадиган техник ҳолатларга жавоб бериши керак;

Абонентлик тўлови – алоқа Хизматларининг ишлатилган ҳажмига боғлиқ бўлмаган ва Абонент маълум муддат учун амалга оширадиган тўлов миқдори.

Компания веб-сайти – Интернет тармоғида www.ucell.uz электрон манзили бўйича жойлашган, Компаниянинг ахборот ресурси.

Дилер – Компания номидан абонентларга хизмат кўрсатиш учун, у билан шартнома тузган юридик шахс. Дилер битта ёки бир нечта уяли алоқа операторлари манфаатларини кўзлаб хизмат кўрсатиши мумкин;

Тарификация (қатъий баҳо белгилаш) бирлиги – Компания хизматларининг тегишли тури учун тўлов олинадиган вақт, миқдор ёки маълумот ҳажмининг ўлчов бирлиги;

Ягона тўлов картаси – махфий хос рақамли (код), химоя қатламли, миқдор/қиймат кўрсатилган ёки Компания томонидан белгиланган бошқа кўринишдаги, Абонентнинг шахсий ҳисоб рақамини у орқали активлаштириш йўли билан тўлдириш имконини берувчи пластик карта.

Хизмат кўрсатиш доираси – ўз тармоғининг лицензия келишуви ва техник имкониятларига мувофиқ, радиотўлқинлар тарқалиши хусусиятларини инобатга олган ҳолда уяли радиотелефон алоқа хизматлари кўрсатиладиган ҳудуд доираси;

Йирик ҳалокат – Компания тармоғининг амал қилиши ва уяли радиотелефон алоқа хизматлари кўрсатилиши тўхтатилишига сабаб бўлувчи ҳалокат;

МЧЖ «COSCOM» Компанияси – Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ равишда рўйхатдан ўтказилган ва фаолият юритаётган, мобил алоқа тармоғига эга бўлган, унинг қурилиши, ишлашини, ривожланишини таъминлайдиган ва уяли радиотелефон алоқа хизматларини тақдим этадиган компания.

Контент – Абонентнинг сўровига асосланган ҳолда, ахборот, кўнгилочар ёки бошқа мазмунга эга бўлган, SMS, MMS, GPRS ёрдамида олинган матнли ёки мультимедиа маълумотлари.

Контент-провайдер – Компания тармоғи орқали Абонентларга тижорат фаолияти асосида Контент хизматларини кўрсатувчи юридик шахс. Контент-провайдерлар ва улар кўрсатадиган Контент хизматларининг рўйхати Компаниянинг Веб-сайтида, шунингдек, Контент-провайдерларнинг веб-сайтларида жойлаштирилади .

Конференц-алоқа – ушбу хизмат бир пайтда бир нечта абонентга телефон орқали суҳбат қуриш, суҳбат пайтида абонентларнинг ҳар бири билан навбатма-навбат уланиш ёки қолган иштирокчиларнинг суҳбатдаги алоқасини узмай, биргаликдаги суҳбатда ўз иштирокини тўхтатиш имкониятини беради.

Шахсий рақам – кўрсатилган хизматлар ҳажмини ҳисоблашга, Абонент билан Шартномага асосан хизматларга ҳақ сифатида ҳисобига киритилган пул маблағларининг кириши ва ишлатилишига мўлжалланган, Компаниянинг биллинг тизимидаги аналитик ҳисоб регистри (рўйхати).

Уяли радиотелефон алоқа оператори - уяли кўчар алоқа тармоғига эга бўлган, унинг қурилиши, фаолият юритиши, ривожланишини таъминлайдиган ҳамда телекоммуникация хизматларини кўрсатадиган юридик шахс.

Компания офиси - жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатувчи, Компаниянинг ҳар қандай расмий офиси.

Прайс лист – Компания асосий хизматларининг рўйхати, уларнинг шартлари ва жорий муддатдаги қиймати кўрсатилган ахборий-маълумот берувчи ҳужжат.

Дилерлик сотув шахобчалари - дилер томонидан абонентларга хизмат кўрсатиш учун ташкил этиладиган ва фойдаланиладиган хизмат кўрсатиш жойи;

Рўйхатга олинш бланки (шакли) – Компания томонидан белгиланган намунадаги бланк (шакл) бўлиб, унда Абонент, абонентлик рақами, Абонент томонидан аввалроқ танланган тариф режаси кўрсатилади ва бу бланк (шакл) Шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланиб, Абонент томонидан Оммавий Офертанинг барча шартлари тўлиқ ва сўзсиз қабул қилинганлиги, ушбу бланkning (шаклнинг) имзоланиши орқали тасдиқланади.

Роуминг – уяли алоқа операторлари ўртасидаги роуминг келишуви асосида абонентлик рақамини сақлаб қолган ҳолда, хорижий оператор тармоғида уяли алоқа хизматларини тақдим қилиш.

Компания тармоғи – Абонентга уяли радиотелефон алоқа хизматларини (коммутация ва радиоускуналар, абонентлик мосламалари, бирлаштириш тармоқлари, қурилмалар ва бошқалар), орқали тақдим этувчи техник воситалар мажмуи .

Тарификациялаш – Компаниянинг турли хизматлари учун тўлов миқдори даражасини аниқловчи тизим.

Тариф режаси – Компания тақдим этаётган бир ёки бошқа турдаги уяли алоқа хизматларидан фойдаланиш таклифини белгиловчи нарх талабларининг мажмуи;

Компания хизматлари - Ucell савдо белгиси остида тақдим қилинадиган уяли радиотелефон алоқа хизматлари, Интернет тармоғидан мобил фойдаланиш хизматлари, шунингдек, Компания томонидан тақдим қилинадиган ахборот-маълумотнома ва/ёки бошқа хизматлар;

Абонентнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар:

- амалдаги турар жойи бўйича рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги ёзув киритилган Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспорти;
- чет эл фуқароси паспорти;
- офицер гувоҳномаси, ҳарбий йўлланма (билет) + № 33 формаси (шартнома бўйича хизмат ўтаётган шахслар ва ҳарбийлар учун);
- аккредитациядан ўтганликни тасдиқловчи карта (дипломатик ваколатхоналар ва топширик ўтаётган ходимлар учун);
- амалдаги турар жойи бўйича рўйхатдан ўтганлиги ҳақида ёзув киритилган, чет эл фуқароларининг Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат;
- амалдаги турар жойи бўйича рўйхатдан ўтганлиги ҳақида ёзув киритилган, фуқаролиги бўлмаган шахслар учун яшаш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат ёки хорижга чиқувчи ҳужжат;
- амалдаги турар жойи бўйича рўйхатдан ўтганлиги ҳақида ёзув киритилган, фуқаролиги бўлмаган шахсининг гувоҳномаси.

Юқорида кўрсатилган барча ҳужжатлар бир бирининг ўрнини босиши мумкин.

Фрод – ахборот технологиялари соҳасида фирибгарликнинг тури, хусусан, рухсат берилмаган ҳаракатлар ва алоқа тармоғида хизматлар ва ресурслардан ноқонуний фойдаланиш.

Шлюз – Халқаро трафикни ўтказиш ва фойланиш мақсадида ўрнатилган хавфсизлик тизимларини четлаб ўтган ҳолда телекоммуникация тармоғига ноқонуний (рухсатсиз) уланиш. Сервер ёки бошқа ускуна бўлиб, унинг ёрдамида Компания тармоғи ва бошқа алоқа тармоқлари ўртасида овозли ва/ёки овозсиз ахборотнинг ўтказилиши амалга ошириш имконини берувчи (жумладан мобила алоқа, кўчмас (стационар) алоқа, муълумотлар узатиш ва бошқалар орқали) ва/ёки учинчи шахсга Компания тармоғидан фойдаланиш имконини берувчи аппаратли-дастурий мажмуа.

GPRS - General Packet Radio Service. GSM тармоқларида қўлланиладиган интернет-протокол бўйича маълумотларни ўтказиш технологияси. GPRS маълумотларни пакет режимида ўтказиб, хизмат учун тўлов GPRS-сессиянинг давомийлигига боғлиқ бўлмаган ҳолда, юборилган ва олинган маълумотларнинг ҳажмига пропорционал равишда ундирилади.

MMS - MultimediaMessageService. Полифоник куйлар, рангли расмлар ва бошқа мультимедиа контенти билан алишиш имконини яратувчи, маълумотлар алишиш стандарти. Турли қурилма ишлаб чиқарувчилар телефон қурилма воситаларида контент алмашувининг имкони бор. Маълумотларни ўтказишда GPRS технологияси қўлланилади.

PIN - Personal Identification Number. Уяли алоқа тармоғи абонентини идентификациялаш учун қўлланиладиган код. Одатда тўрт рақамдан иборат бўлади. SIM-картага боғланган, лекин абонентнинг хоҳишига биноан телефон менюси ёрдамида ўзгартирилиши мумкин. Агарда абонент ўз телефонидаги тегишли функцияни мустақил равишда ўчирмаган бўлса, телефон ёқилганда PIN сўралади.

PUK - Personal Unblocking Code. SIM-картага боғланган, Компания билан шартнома тузганда берилмайдиган, SIM-карта блокланган ҳолда, уни очиш учун қўлланиладиган код.

Масалан, PIN кодни бир нечта маротаба нотўғри киритиш натижасида ҳам PUK код сўралади.

SIM-карта – микросхема ичига қурилган идентификациялаш модули бўлиб, унинг ёрдамида абонентлик усқунанинг идентификацияси, мобил алоқа тармоғига кириши, ҳамда, абонентлик рақамидан рухсатсиз фойдаланишга қарши ҳимояни таъминлайди.

SMS - Short Message Service, қисқа хабарлар хизмати. Мобил телефони орқали қисқа матн хабарларини қабул қилиш ва юбориш технологияси. Уяли алоқа абонентлари реал вақт режимида хабар алмашишлари мумкин. Агар олувчи хабар юборилган пайтда хизмат доирасидан ташқарисида бўлса, унда бу хабар серверда сақланиб қолинади ва кечроқ юборилади.

2. ОММАВИЙ ОФЕРТА ПРЕДМЕТИ.

2.1. Компания, танланган Тариф режаси ва алоқа Хизматларини кўрсатиш шартларига мувофиқ тарзда Абонентга уяли радеотелефон алоқа хизматларини кўрсатиш жавобгарлигини ўз зиммасига олади. Абонент эса, мазкур Оммавий Офертада кўрсатилган, шартлари ва тартиблари асосида тўловни ўз зиммасига олади.

2.2. Ушбу Оммавий Оферта барча Абонентларга нисбатан бир хил кучга эга бўлиб, Абонент билан аввалроқ тузилган МЧЖ «COSCOM» тармоғида уяли радиотелефон алоқа хизматларини PREPAID тизимида тақдим этиш учун Шартнома ўрнини эгаллайди. Мазкур Оммавий Оферта, Компания веб-сайтида тақдим қилинган вақтдан бошлаб, Абонентларга алоқа Хизматларини кўрсатиш шартлари, мазкур Оммавий Оферта шартларига мувофиқ тарзда белгиланади. Бунда, имзолаш/қайта имзолаш учун Рўйхатга олиш бланки (шакли) шарт эмас. Оммавий Оферта шартларига нисбатан норозилик пайдо бўлса, Абонент Оммавий оферта тақдим қилинган кундан бошлаб, 30 кун давомида Компания веб-сайти орқали, ёзма равишда Оммавий Оферта шартларини қабул қилишдан бош тортиши тўғрисида хабар бериши лозим. Ушбу Оммавий оферта шартларини бажаришдан бош тортиш тўғрисидаги Абонент Аризаси белгиланган муддатда Компанияга тақдим этилмаслиги конклюдент хатти-ҳаракат (Алоқа хизматларидан амалда фойдалананиш) деб қабул қилинади ва ушбу оммавий оферта шартларини Абонент томонидан тўлиқ ҳамда сўзсиз қабул қилиниши аниқланади.

2.3. Абонент томонидан мазкур Оммавий Офертанинг шартлари сўзсиз ва тўлиқ қабул қилингандагина, Компания Абонентга Рўйхатга олиш бланкида (шаклида) кўрсатилган абонентлик рақамини фойдаланиш учун тақдим этади.

2.4. Бирламчи хизматлар рўйхати:

- Voice*
- SMS*
- GPRS*
- Чақиётган абонент рақамини аниқлаш
- Чақирикни бошқа рақамга йўналтириш
- Конференц-алоқа
- Кўнгирикларни тақиқлаш
- Чақирикни кутиш /ушлаб туриш
- UcellRoaming
- Менга кўнгирик қил

*Компания усқуналари даражасида деактивация қилинмайдиган хизматлар

Абонент, хошишига кўра, USSD йўли билан, Компания офисларига мурожаат қилиши ёки Компания томонидан таклиф қилинган бошқа усул билан Компания томонидан тақдим этиладиган бошқа хизматларга уланиши ёки ўчириши мумкин.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1. Компания қуйидаги хуқуқларга эга:

3.1.1. Бир томонлама тартибда Оммавий Офертани, Рўйхатга олиш бланкини (шаклни), уяли радиотелефон алоқа хизматлари ва тарификациялашни тақдим қилиш тартиб ва шартларини ўзгартириш;

3.1.2. Абонентга Хизматларни тақдим қилишни чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш, агар Абонент томонидан Шартнома шартлари бажарилмаганда, шу билан бирга:

3.1.2.1. Абонент томонидан Компаниянинг Хизматларидан фойдаланган ҳолда Компанияга, шунингдек, бошқа абонентлар ва/ёки учинчи шахсларга зарар етказилганда, шу билан бирга қуйидагилар билан чекланмасдан: мавжуд бўлмаган тўлов карталарини бир неча маротаба фаоллаштиришга уринишда, Компания билан ёзма равишда келишувсиз абонентлик рақамидан лотерея, овоз бериш, танловлар, реклама, сўровномалар, оммавий ахборот тарқатишда ва Компаниянинг ускуналари ҳамда алоқа мосламаларининг иш фаолиятини бузилишига олиб келувчи бошқа тадбирларда фойдаланилганда;

3.1.2.2. Ваколатли органларнинг, бошқа операторларнинг хабарларига асосан ва/ёки Компания мустақил равишда Абонент томонидан Шлюздан фойдаланилганлик ҳолатлари аниқланганда;

3.1.2.3. Абонентнинг Шахсий ҳисоб рақамида Хизматлардан фойдаланиш учун етарли пул маблағлари бўлмаган ҳолатларда;

3.1.2.4. Агарда 1 ой ичида Абонент, у танлаган хизматлар тарификациясига мувофиқ ҳеч қандай тўловларни амалга оширмаса (Абонентнинг Шахсий ҳисоб рақамидан маблағларнинг ечилишига олиб келадиган, Абонентлик ускуна ёки тизим орқали Абонентнинг ҳар қайси ҳаракати);

3.1.2.5. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатларда.

3.1.3. Хизматлар кўрсатилишини чиқиш қўнғироқлари (фавқулоддаги ва маълумот олишдан ташқари), кириш қўнғироқларини, SMS, GPRS ва Абонентнинг бошқа пуллик, бепул хизматларини блоклаш йўли билан қисман ёки бутунлай тўхтатиш ҳуқуқига эга:

- Абонентнинг шахсий маълумотларининг унинг шахсини тасдиқловчи актуал ҳужжатга тўғри келмаслиги;

- Компанияда Абонентнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхалари ва/ёки Абонентлик рақами уланишида имзоланадиган ҳужжатларнинг асл нусхалари мавжуд эмаслиги;

- Компаниянинг ички маҳаллий ҳужжатлари билан назарда тутилган бошқа вазиятларда.

Абонентнинг блокланган статусга ўтказилишида, Абонентга тегишли SMS-хабар юборилади. Бунда, Абонент тегишли SMS-хабар олган кундан бошлаб 10 иш куни давомида ўз шахсий маълумотларини актуализациялаш учун Компания офисига мурожаат қилиши керак бўлади. SMS-хабар фақатгина маълумот етказиш хусусиятига эга ва унинг мавжуд эмаслиги/қабул қилинмаслиги Абонентни ушбу Оммавий Офертанинг 4.7 бандида кўрсатилган шартларни бажаришдан озод этмайди. Компания Абонент олдида юқорида айтиб ўтилган SMS-хабарни олмаганлиги учун жавобгарлик бўлмайди

3.1.4. Зарурият туғилганида, Абонент рақамини ўзгартиришдан камида 10 (ўн) кун олдин Абонентга олдиндан хабар берган ҳолда, Абонентлик рақамини ўзгартириш;

3.1.5. Компания ЎзР қонунчилигига мувофиқ тарзда бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин;

3.2. Абонент қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.2.1. Амалдаги Прайс-листларда ва/ёки Компаниянинг ахборот материалларида кўрсатилган ахборот асосида қўлланиладиган хизматлар рўйхатини ўзгартириш;

3.2.2. Компанияга ЎзР қонунчилигига мувофиқ тарзда Шартноманинг бажарилиши устидан шикоятлар юбориш;

3.2.3. Компания олдида қарздорлиги мавжуд бўлмаган ҳолда, Компания томонидан ўрнатилган тартибда Шартнома бошқа шахсга расмийлаштириш;

3.2.4. Абонент ЎзР қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга;

3.3. Компаниянинг мажбуриятлари:

3.3.1. Шартноманинг амал қилиш муддати давомида вақтинчалик фойдаланиш учун Компания мулки ҳисобланган Абонент рақамини, шунингдек SIM картани Абонентга тақдим этади. Тармоқга уланиш нархи SIM карта нархини ўз ичига олади. Абонент ва SIM карта рақамлари рўйхатга олиш бланкида кўрсатилади;

3.3.2. Шартнома тузилиб ва Абонент томонидан бирламчи тўлов амалга оширилгандан сўнг, Шартномага асосан Абонентга 1 (бир) иш куни давомида хизматлар тақдим этиш;

3.3.3. Тўлов мавжуд бўлган ҳолда Абонентга, у танлаган рўйхатга мувофиқ, амалдаги Шартнома, тарификациялаш ва Компаниянинг нархларига асосланган ҳолда, хизматларни кўрсатиш;

3.3.4. Абонентга Шартнома шартларининг, тақдим қилинаётган хизматлар рўйхати, хизматлар ва тартибнинг ўзгарганлиги ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали ёки Компания танлаган бошқа усулда хабар бериш, агарда ўзгартиришлар киритилиши Абонент ҳолатининг ёмонлашишига олиб келса – мазкур ўзгартиришлар киритилишдан камида 10 (ўн) кун олдин Абонентни хабардор қилиш. Компанияга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ёки Абонент томонидан бундай хабарлар қабул қилинмаган ҳолда, Компания Абонентнинг ўз вақтида хабардор бўлмаганлиги юзасидан жавобгар бўлмайди ва бу борада даъволарни қабул қилмайди;

3.3.5. Абонент билан Шартнома бекор қилинишида, Шартномада кўзда тутилган тартибда ва шартларда, ўзаро ҳисоб китобларни амалга ошириш;

3.4. Абонентнинг мажбуриятлари:

3.4.1. Шартнома шартларига амал қилиш;

3.4.2. Мустақил равишда Компаниянинг расмий маълумотлари билан, шу билан бирга, Компаниянинг веб сайтида тақдим қилинаётган хизматлар рўйхати, тарификация, хизматларни кўрсатиш тартиби ва шартлари ўзгариши билан боғлиқ маълумотлар билан танишиш;

3.4.3. SIM-картанинг йўқолганлиги ҳақида дарҳол Компаниянинг расмий офисларидан бирига ёзма ариза билан мурожаат этиш йўли билан ёки Компания томонидан назарда тутилган бошқача усул билан хабар бериш. Абонент томонидан белгиланган қоидага амал қилинмаганда, Компания томонидан Абонентдан ёзма аризани қабул қилинмагунигача, Абонент йўқотган SIM-картадан фойдаланган ҳолда кўрсатилган Хизматлар учун тўловни амалга ошириш бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олади;

3.4.4. Абонентлик рақамидан лотерея, овоз бериш, викторина, рекламани тарқатиш, шунингдек, учинчи шахслар ҳуқуқларининг бузилиши, Компания ускуналари ва алоқа мосламалари ишдан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган бошқа ҳаракатларни амалга оширишда фойдаланмаслик. Абонент, шахсий фойдаланиш ускуналари бўлиб

ҳисобланмаган; бошқа Абонентларнинг ҳуқуқларини, Шартнома шартларини ва ЎзР амалдаги қонунчилигини бузиш орқали Хизматлардан фойдаланишга мўлжалланган шлюзлар ёки бошқа махсус техник мосламалар/дастурлардан фойдаланиш, жумладан, учинчи шахсларга алоқа хизматларини шунингдек, ўзга алоқа операторлари, стационар алоқа, интернет/IP-телефония хизматларини ва бошқаларни тақдим этиш тақиқланади;

3.4.5. Абонентларга хизмат кўрсатиш офисларига мурожаат қилишда, талабга биноан, шахсни тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиш;

3.4.6. Рўйхатга олиш бланкида (шаклида) кўрсатилган шахсий маълумотлар (фамилия, исми, отасининг исми, паспорт маълумотлари, Абонентнинг турар жой манзили ва бошқалар) ўзгарган тақдирда, бу ҳақда Компанияга ушбу ўзгаришлар содир бўлган пайтдан бошлаб 10 кун ичида хабар бериш (Абонент шахсини тасдиқловчи, амал қилаётган ҳужжатни тақдим этиш йўли билан);

3.4.7. SIM-карта орқали олинаётган материаллар, маълумотлар, хизматлар ва маҳсулотлардан фойдаланиш билан боғлиқ барча хатарларни ўз зиммасига олиш: а) Интернет тармоғида; б) уларга кириш Компания тармоғи орқали уланиш ёрдамида амалга ошириладиган контент-провайдерлар.

4. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ ВА ХИЗМАТЛАР КўРСАТИШ.

4.1. Хизматларга бўлган тарификация Компания томонидан мустақил равишда белгиланиб, Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда ўрнатилади.

4.2. Рўйхатга олиш бланки (шакли) томонлар тарафидан имзолангандан сўнг, шахсий ҳисоб рақамини дастлабки тарзда тўлдириш билан Хизматлардан фойдаланишни бошлаш мумкин бўлади. Шахсий ҳисоб рақамининг дастлабки тўлдирилиши (бирламчи тўлов) куйидаги усуллардан бири орқали амалга оширилади:

а) Тўлов карталарида кўрсатилган қоидаларга мувофиқ тарзда Ягона тўлов картасини активлаштириш орқали;

б) Компаниянинг сотув ва хизмат кўрсатиш офисларида нақд пул тўлови орқали;

в) банк пластик картаси орқали;

г) тўлов тизимлари, агентлик тармоқлари ва бошқалар орқали.

4.3. Хизматларнинг кейинги тўлови Абонент томонидан, Шартноманинг 4.2 бандида кўрсатилган усулларда аванс тўловларни киритиш йўли билан амалга оширилади.

4.4. Агарда Абонент, пуллик рақамга уланганда, бу рақамнинг қийматини 36 (ўттиз олти) соат давомида тўламаган бўлса, унда Шартнома бир томонлама бекор қилинган ҳисобланади.

4.5. PREPAID тизимидаги хизматлар олдиндан тўлов шарти асосида тақдим этилади. Тўлов амалга оширилгач, Компания Абонентга, тарификация ва хизматларни кўрсатиш шартларига мувофиқ, Абонентнинг шахсий ҳисоб рақамида маблағ тугагунга қадар бўлган тўлов қийматига тенг хизматларни тақдим этади.

4.6. Компания Веб сайтидаги шартларга кўра, шахсий ҳисоб рақамидаги маблағларнинг Компания томонидан ўрнатилган минимумгача пасайганида, Абонентнинг хизматлардан фойдаланишга бўлган ҳуқуқи чекланади, шу жумладан, хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи абонент хизматдан фойдаланиш пайтида чекланиши мумкин. Белгиланган минимум, Абонент фойдаланмоқчи бўлган хизматнинг қиймати билан белгиланади. Хизматлардан фойдаланишга бўлган бошқа чекловлар Компаниянинг Веб сайтида ва/ёки ахборот материалларида кўрсатилган.

4.7. Хизматлардан фойдаланиш чекланганидан сўнг – Абонент блокланган статусга ўтказилади, Абонентга белгиланган муддат давомида шахсий ҳисоб рақамини тўлдириш ва

хизматлардан фойдаланишни тиклаш имконияти берилади. Белгиланган муддат Компаниянинг Веб сайтида акс эттирилади.

4.8. Хизматлардан фойдаланган сари, Абонент ҳисобидан, хизматларга бўлган амалдаги тарификация томонидан белгиланган қийматлар ечилади. Хизматларга бўлган тарификация Компания томонидан белгиланиб, Компаниянинг Прайс-листларида ва/ёки ахборот материалларида акс эттирилади.

4.9. Ҳисобга олиш, тарификация тизимида техник носозликларнинг вужудга келган ҳолларда ёки тизимда режали/режадан ташқари ишлар ўтказилганда, Компания хизматларни кўрсатишдаги носозликлар бартараф қилингандан кейин тарификация қилиш ҳуқуқини ўзида қолдиради.

4.10. Хизматлар ҳар куни 24 соат давомида, танаффусларсиз тақдим қилинади, зарур бўлган профилактика ва таъмирлаш ишларининг ўтказилиши бундан мустасно.

4.11. Компания тармоғидаги, хизматлар кўрсатилишининг тўхтатилишига олиб келган, йирик ҳалокатлар вужудга келган ҳолатларда Компания Абонентни бу ҳақида ҳамда тахминий тиклаш муддатлари ҳақида оммавий ахборот воситалари ёки Компания томонидан танланган бошқа усул билан хабардор қилади.

4.12. Компания Абонентга, унинг Шахсий ҳисоб рақамида пул маблағлари мавжуд бўлмаган ҳолда ҳам, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тегишли хизматлар учун ўрнатилган ягона рақамларни териш орқали фавқулоддаги оператив хизматларни бепул ва кечаю-кундузи чақириш имкониятини беради.

4.13. Компания томонидан Шартномага асосланган ҳолда кўрсатиладиган Хизматлар тўғрисидаги қўшимча маълумот Компания офисларида, Компания Дилерлик сотув шаҳобчаларида, шунингдек, Компания танлови бўйича оммавий ахборот воситаларида ёки Компаниянинг Веб сайтида жойлаштирилади.

4.14. Хизмат кўрсатиш жараёни мобайнида Абонентнинг шахсий маълумотларининг бир қисми (паспорт маълумотларидан ташқари) Хизмат кўрсатилишининг узлуксизлиги ва тўғрилигини таъминлаш учун учинчи шахсларга берилиши мумкин. Абонент Рўйхатга олиш бланкига (шакл) қўл қўйиб, Компания тармоғи орқали кўрсатиладиган қўшимча контент хизматларга уланиш учун сўровнома юбораркан, Компания томонидан Абонентнинг шахсий маълумотларини (паспорт маълумотларидан ташқари), қўшимча хизматларни кўрсатувчи учинчи шахсларга беришга ўз розилигини беради.

Абонентнинг қўшимча контент хизматлардан ўчирилиши унинг ўз шахсий маълумотларидан фойдаланиш ва уларни қайта ишлашга розилигининг қайтиб олинишини билдиради. Ускунанинг техник хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, аввал ўтказилган маълумотлар тегишли тизимларда сақланиши мумкин. Бунда, ўз ичига паспорт маълумотларини, трафик ва молиявий маълумотларни оладиган ва фақат улар билан чекланмайдиган шахсий маълумотлар Компания томонидан фақатгина хизмат кўрсатиш учун йиғилади, қўлланилади ва уларга ишлов берилади. Уларнинг бутлиги ва махфийлиги Компания томонидан ЎЗР қонунчилигига мувофиқ тарзда қафолатланади.

4.15. Компания мустақил равишда ва/ёки учинчи шахслар – контрагентлар ёрдамида Абонентнинг шахсий маълумотларини, ЎЗР амалдаги қонунчилиги ва Компаниянинг махфийлик Сиёсатида асосан, ўрнатилган тартибда хизмат кўрсатиш мақсадида, йиғиш, фойдаланиш ва уларга ишлов бериш ҳуқуқига эга.

5. МУРОЖААТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ.

5.1. Абонентларнинг хизмат кўрсатиш доирасида юзага келадиган саволлари юзасидан, Абонент Компанияга тегишли ариза билан мурожаат қилиши мумкин бўлиб,

унинг кўриб чиқилиши амалдаги қонунчилик доирасида ва Компания томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

5.2. Компания томонидан Шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда ёки нотўғри бажарилганда. Абонент ёзма равишда даъво қилиш ҳуқуқига эга.

5.3. Хизмат кўрсатишда рад этиш, Шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг ўз вақтида ёки тегишли тартибда бажарилмаслиги билан боғлиқ бўлган масалаларни рад этиш, Хизматлар ўз вақтида ёки тегишли бўлган ҳолда бажарилмаган санадан бошлаб 6 (олти) ой давомида қабул қилинади.

5.4. Абонентларнинг мурожаатлари, агар бошқаси ЎзР қонунчилигида назарда тутилмаган бўлса, мурожаатларнинг рўйхатдан ўтказилганлик санасидан бошлаб, 30 (ўттиз) кундан ошмаган муддат давомида Компания томонидан кўриб чиқилади.

5.5. Мурожаатларнинг кўриб чиқилиши натижалари тўғрисида Компания ёзма ёки оғзаки (Абонентнинг талабига биноан) равишда хабар беради. Ёзма жавоб буюртма хат, электрон почта, шунингдек, юборувчининг қайд қилинишини таъминлайдиган бошқа алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда юборилади, ёки Абонентга тилхат ёздириб берилади. Оғзаки жавоб Компания офисларида Абонент билан шахсан учрашув пайтида, шунингдек, телефон/мобил алоқа орқали тақдим этилади.

6. ФОРС МАЖОР.

6.1. Томонлар Шартнома бўйича ўз мажбуриятларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги билан боғлиқ жавобгарликдан, агарда бундай ҳаракатсизлик Шартнома тузилгандан кейин, енгилмас куч вазиятларининг натижасида юзага келган бўлса. Томонлар мавжуд бўлган воситалар ёрдамида уларнинг олдини ола олмаган фавқулоддаги вазиятлар ҳисобланади. Бундай «фавқулоддаги воқеалар ёки вазиятлар»га қуйидагилар киради: ёнгинлар, учинчи шахсларнинг ҳаракатлари, табиат офатлари (сув тошқинлари, zilzilалар, ва бошқалар), ҳарбий ҳаракатлар, ЎзР ваколатли бошқарув органларининг ҳаракатлари ёки меъёрий актлари, шунингдек, Томонларнинг идрокли назорати чегараларидан ташқарига чиқадиган ҳар қайси бошқа вазиятлар.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ. ШАРТНОМАНИ ТУЗИШ, ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

7.1. Шартнома Томонларнинг Рўйхатга олиш бланкини имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва/ёки Шартноманинг шартларига асосланган ҳолда бекор қилинишигача амал қилади.

7.2. Шартнома Абонент ва Компания ўртасида Компания Офисларида ёки Компания Дилерларининг сотувлар ва хизмат кўрсатиш шахобчаларида, Томонларнинг Рўйхатдан ўтиш бланкини (шаклини) имзолаш йўли билан тузилади.

7.3. Томонлар Рўйхатга олиш бланкига (шаклига) имзо қўйишда Компаниянинг ваколатли шахси имзоси факсимиле тарзида қўйилишига келишадилар.

7.4. Компания, Оммавий Офертани ўзгартирилган тахрирда веб сайтда жойлаштириш ёки оммавий ахборот воситаларининг бошқа воситаларида нашр қилиш йўли билан, ўзгартиришларнинг кучга кириш санасигача 10 (ўн) кундан кеч бўлмаган муддат ичида, Оммавий Офертага бир томонлама равишда ўзгартиришлар ва/ёки қўшимчаларни киритиш ҳуқуқига эга. Бундай ўзгартиришлар ва қўшимчалар уларни киритиш пайтидан бошлаб амал қилади. Абонент, ўзгартиришлар ва қўшимчалардан норози бўлган ҳолда, Шартноманинг шартларидан бош тортиш ҳуқуқига эга, бунда у Компанияга бундай ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган пайтдан бошлаб 30 (ўттиз) кун давомида

ёзма аризани такдим этиши мумкин. Абонентнинг норозилиги, бундай ҳолда, Абонентнинг ташаббусига биноан ва 7.6 бандга асосланган ҳолда, Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига олиб келади.

7.5. Томонлар Шартномани унинг шартлари бажарилмаган ҳолда, Шартномада кўзда тутилган тартиб ва шартларда бекор қилишлари мумкин.

7.6. Шартнома Абонентнинг ташаббусига биноан бир томонлама тартибда, Абонентнинг ёзма равишдаги, Компания офисларига такдим қилинган, аризаси асосида ва Абонентнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг аслини такдим қилган ҳолда бекор қилиниши мумкин.

Бунда Абонент, Шартнома бекор қилинишидан олдин, бекор қилиниш санасида кўрсатилган хизматлар қийматини тўлиқ тўлаши шарт.

7.7. Шартнома Компания томонидан бир томонлама тартибда қуйидаги ҳолатларда бекор қилиши мумкин:

7.7.1. Амалдаги Компаниянинг бошқа маълумот манбааларида, шу жумладан, расмий Веб сайтида кўрсатилган муддат тугаганидан сўнг абонент томонидан шахсий ҳисоб тўлдирилмаса, шунингдек, агар Компаниянинг расмий Веб сайтида кўрсатилган муддатдан ортиқ вақт давомида абонент блокланган статусда бўлган тақдирда;

7.7.2. Агарда, Абонент Компания офисига Оммавий Офертанинг 3.1.3.-бандида белгиланган муддатда мурожаат қилмаган бўлса.

7.8. Шартноманинг бекор қилинишида Томонлар ўзларининг барча мажбуриятлари бўйича ўзаро ҳисоб китобларни амалга оширишлари керак. Абонентнинг Шахсий ҳисоб рақамида қолган пул маблағларининг қайтарилиши қуйидаги тартибда амалга оширилади:

7.8.1. Абонент Шахсий ҳисоб рақамида Шартноманинг бекор қилиниши пайтида қолган пул маблағларини ЎзР қонунчилиги томонидан белгиланган муддат давомида талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агарда Абонент Компанияга кўрсатилган муддатнинг якунланишига қадар мурожаат қилмаган бўлса, пул маблағлари қайтарилмайди.

7.8.2. Промо-баланслардан (бонус устамалари) маблағлар, SIM-картани улаш (активлаштириш) учун тўлов, пуллик Абонентлик рақамининг қиймати, шунингдек, Абонент томонидан харид қилинган, лекин активлаштирилмаган тўлов Карталарининг қиймати қайтарилмайди.

7.8.3. Пул маблағларининг қайтарилиши Абонентнинг Компания ўз офисларида ёзма аризаси рўйхатдан ўтказилган пайтда бошлаб 30 кун давомида амалга оширилади. Бунда, пул маблағларининг қайтарилиши Компания томонидан фақат нақдсиз шаклда, Абонентга тегишли бўлган банк ҳисоб рақамига, ёки ушбу Абонентга тегишли бўлган бошқа рақамнинг шахсий ҳисоб рақамига ўтказилади.

7.8.4. Пул маблағларининг қайтарилиши Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида (сўмда) 1 АҚШ доллари= 4210 (тўрт минг икки юз ўн) сўм курси бўйича, пул маблағларини қайтариш Тартиби ва амалдаги ЎзР қонунчилигига мувофиқ тарзда амалга оширилади.

7.9. Шартномани қайта расмийлаштиришда Абонентнинг Шахсий ҳисоб рақамидаги пул маблағларининг қолдиғи қайтарилмайди ва янги Абонентнинг Шахсий ҳисоб рақамига ўтказилади.

8. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

8.1. Ўз мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки тегишли тарзда бажарилмаганлиги учун Томонлар, ЎзР қонунчилиги ва Шартномада назарда тутилган ҳолларда жавобгар бўладилар.

8.2. Айбдор томон фақат бошқа томонга келтирилган тўғридан-тўғри зарарлар учун жавобгар саналади. Бевосита зарарлар, маънавий зарар, шунингдек, бой берилган даромад ўрни қайта қопланилмайди.

8.3. Компания қуйидагилар учун жавобгар саналмайди:

8.3.1. Абонент томонидан Абонентлик ускунасида нотўғри фойдаланганлик ҳолатларида хизмат кўрсатишнинг имконии бўлмаса, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси мувофиқлик гувоҳномасига эга бўлмаган ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг белгиланган стандарт талабларига жавоб бермаган Абонентлик ускунасида фойдаланиш ҳолларида;

8.3.2. Абонентнинг буюртмасига асосланган ҳолда Компания тармоғи орқали учинчи шахслар томонидан тарқатиладиган контентнинг мазмуни ва сифати, тақдим қилинмаганлиги ёки ўз вақтида тақдим қилинмаганлиги;

8.3.3. Абонентнинг, тасодифий, бевосита зарари, билан боғлиқ бўлган эҳтимол зарарлари ҳамда хизматлардан фойдаланишда юзага келадиган бошқа моддий йўқотишлар билан боғлиқ бўлган зарарлар;

8.3.4. Абонентнинг сўровига биноан тақдим қилинган маълумотнинг Абонентнинг шахсий кутган натижаси ва унинг субъектив баҳоларига мос келмаслиги.

8.4. Абонент Компания томонидан кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаш бўйича мажбуриятларга ҳамда шахсий жавобгарликка, шунингдек, SIM-карта ёрдамида амалга оширилган барча ҳаракатлар ва воқеаларга жавобгарликка эга бўлади. Истисно, SIM-картанинг йўқотилганлиги ва бу ҳақда ушбу Оммавий Офертанинг 3.4.3. бандига мувофиқ тарзда хабар берилганлиги ҳисобланади.

ЎзР Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 155-2- моддаси ва ЎзР Жиноят кодексининг 278-7- моддасига асосан ўрнатилган ҳимоя тизимларини четлаб ўтган ҳолда телекоммуникация тармоғидан фойдаланиш ва халқаро трафикни ўтказиш мақсадида телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, шунингдек мазкур мақсадлар учун мўлжалланган махсус дастурий ёки аппарат восталарини қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) тайёрлаш, саклаш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун шароитлар яратиш жавобгарликка тортилиши белгиланган.

9. ҚОЛГАН ҚОИДАЛАР.

9.1. Абонентга тақдим қилинадиган хизматлар, радиотўлқинлар тарқалишининг табиий шароитлари сабабли, ёмонлашиши, узилиши ёки шовқинлар билан кузатилиши мумкин.

9.2. Абонентга тақдим қилинадиган хизматлар, конструктив хусусиятлар сабабли, Компания компетенцияси доирасидан ташқарида бўлган, бошқа мобил ва стационар алоқа тармоқларининг Операторлари телефон алоқасининг сифатига боғлиқ бўлади.

Компания уяли радиотелефон алоқа хизматларини, унинг техник хусусиятлари ва хизмат кўрсатиш доирасини инобатга олган ҳолда кўрсатади.

9.3. Компания ЎзР давлат органларининг қарорларини бажариш бўйича ишларни, шунингдек, хизматлар кўрсатилишининг сифатини вақтинча ёмонлашиши ва узилишига олиб келиши мумкин бўлган, ишлаб чиқариш зарурияти билан боғлиқ ишларни олиб бориш ҳуқуқини ўз тасарруфида қолдиради. Абонент, агар кўрсатиладиган Хизматлар сифати ёмонлашиши ва узилишлар даври узлуксиз равишда 24 соатдан ошмаган такдирда, Компания унинг олдида жавобгар бўлмаслигига ўз розилигини билдиради.

9.4. USSD сўров орқали абонент рақамидан сўралган маълумотлар махфий маълумот саналмайди. Компания тегишли абонент рақамидан Компаниянинг Call center орқали муурожаат қилган шахсларга USSD сўров орқали олиниши мумкин бўлган маълумотларни тақдим этиш ҳуқуқига эга.

9.5. PREPAID тизимида Шартноманинг қайта тикланиши (Шартноманинг бекор қилинишидан кейин қайта тикланиши) амалга оширилмайди.

9.6. Томонлар юзага келадиган келишмовчиликларни фақат музокара йўли билан бартараф этиш учун ҳамма ҳаракатларни амалга оширадилар. Музокаралар ёрдамида келишмовчиликларни бартараф қилиш имконияти мавжуд бўлмаганида, томонлар ЎзР суд органларига ЎзР қонунчилигига мувофиқ тарзда мурожаат қиладилар.

9.7. Оммавий Офертада тартибга солинмаган масалаларда томонлар мобил алоқа хизматларини кўрсатиш Қоидаларига ва амалдаги ЎзР қонунчилигининг бошқа норматив-ҳуқуқий актларига, шунингдек, Компаниянинг ички ҳужжатларига асосланадилар.

9.8. Ушбу Оммавий Оферта ўзбек, инглиз ва рус тилида нашр қилинган бўлиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади, матнда бошқа хил маъно мавжуд бўлганда, рус тилидаги матн устувор кучга эга.

10. КОМПАНИЯ РЕКВИЗИТЛАРИ.

МЧЖ «COSCOM»

Юридик манзил: Ўзбекистон Республикаси, индекс 100031, Тошкент, Яккасарой тумани, Вахидов кўчаси, 118 уй.

Банк реквизитлари:

х/р 20208000000457913001 ОПЕРУ АКБ «Ўзпромстройбанк» да

МФО 00440 ИНН 201788904

ОКЭД 61200